



АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ҚАҲРАМОНЛИГИ ИНСОНИЯТ ТАРИХИГА АБАДИЙ ЎЧМАЙДИГАН, БУЮК САҲИФА БЎЛИБ ЁЗИЛГАН

Юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда.

Халқимиз бу санани инсон хотираси ва қадрга эътиборнинг юксак амалий ифодаси сифатида беҳад қадрлайди. Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат ҳеч қачон унутилмайди.

Минглаб қақирим олисларда кечган беаёв жангларда кўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга тугиб, курашларда жон олиб, жон

берган ўзбек ўғлонларининг матонати қалбимизда мангу яшайди. Фронт ортида меҳнат қилган, уруш тўғрисида ота-онасидан айрилган минглаб етим-есирларга

бошлана берган, ўзи ва фарзандлари ризқини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳридаре халқимиз тобад шарафларга муносиб.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли ватандошлар! Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Авалло, мана шу улғу айём кунларида, муҳташам Ғалаба боғида туриб, сиз, азизларни, бугунги тантанали маросимни жойлардаги студияларда, ҳарбий округларда, оила даврасида телевидение орқали томоша қилаётган барча фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни Хотира ва қадрлаш куни ҳамда буюк Ғалабанинг 76 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтироми ва эзгу тилакларимни билдираман.

Муҳтарам уруш ва меҳнат fronti фахрийлари!

Бугунги шонли санани биз доимо чексиз қувонч ва чексиз изтироб билан нишонлаймиз. Ватан озодлиги учун, ҳозирги тинч-омон кунлар учун жанг майдонларида ҳалок бўлган ота-болаларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирамиз.

Сиз, муътабар фахрийларимизнинг беқиёс қаҳрамонлигингиз инсоният тарихига абадий ўчмайдиغان, буюк саҳифа бўлиб ёзилганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Улғу ва табаррук ёшларга етиб, бугун орамызда соғ-саломат, дуғуғи бўлиб юрган уруш ва меҳнат фронтининг барча жангчиларига яна

бир бор юксак меҳр ва ҳурматимизни изҳор этиб, уларнинг барчасига чин юрақдан ташаккур айтаман.

Ҳаётнинг оғир ва аччиқ синовларини мардона энгиб ўтган Сиз, азизларнинг Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, мустақкам иродали инсонлар этиб тарбиялашга қўшаётган муносиб хиссангизни барчамиз юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг мардлик ва матонатингиз коронавирус пандемияси давом этаётган ҳозирги мураккаб даврда ҳам ана шу хатарли касалликка қарши курашда бизга куч ва мадад бермоқда.

Биз — бугунги миннатдор авлодлар сизлар каби жасур оталаримиз билан умрбод фахрланамиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларнинг жанг майдонларида буюк қаҳрамонлик кўрсатганингиз, урушдан кейин мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш йўлида қилган фидокорона хизматларингиз учун барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Орадан яна қанча йиллар, асрлар ўтмасин, сизларнинг фашизмга қарши кўрсатган матонатингизни халқимиз ҳамisha қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади.

Ҳурматли юртдошлар!

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган, мислсиз йўқотиш ва талафотларга олиб келган энг даҳшатли қирғин бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Олти йил давом этган бу қонли урушда ўша пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 та давлатни беvosита қамраб олган уруш ҳаракатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларзага солади. Энг кўп қурбонлар собиқ Иттифоқ республикалари хиссасига тўғри келиб, қарийб 27 миллион кишини ташкил этганини бугун ҳам улкан қайғу ва изтироб билан эслаймиз.

Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёвуз душмани тор-мор этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Шу борада баъзи бир энг муҳим, илгари бизга номаълум бўлган факт ва рақамларни яна бир бор эслаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман.

Маълумки, 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этибди. Уруш бошланиши билан

қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди.

Биз бу рақамларни ҳар йили 9 май — Ғалаба байрамида қайта-қайта эсга оламиз. Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштираб оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам.

Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди, десак, янглишмаган бўламиз. Нега деганда, 500 мингдан зиёд қурбон — бу 500 мингдан ортиқ фожиа дегани. Бу умр йўлдошидан айрилган минг-минглаб аёллар, ота-онасидан жудо бўлган миллионлаб етим болалар дегани. Бу — орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, халқимиз юрагидеги битмаган, ҳеч қачон битмайдиغان муддиш яра, туганмас нола ва армон демакдир.

Ўзбекистон халқи ана шундай оғир талафотлар қуриб, буюк Ғалабага беқиёс ҳисса қўшди. Бу ҳақиқатни 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани ҳам яққол исботлайди. Ватандошларимизнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортиги учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтининг мустақкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди.

"Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — Ғалаба учун!" деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодига айланди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуksиз етказиб берди. Бомба ва снарядлар тинимсиз портлаб турган ҳудудлардан 170 га яқин завод ва фабрикалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди.

Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикамизга қўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди.

Эл-юртимиз муддиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намойён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сунги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. "Тошкент — нон шаҳри", "Ўзбекистон — меҳр мамлакати" эканини амалда яна бир бор исботлади.

▶ Давоми 2-бетда

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

"ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИ БИРЛАШТИРАДИ"

Журналист Александр Веселовнинг шундай сарлавҳали таҳлилий мақоласи Латвиянинг етакчи ҳафталик журнали — "Открытый город"да чоп этилди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик камарини шакллантириш бўйича олиб борилган ташқи сиёсий йўналиш ўз самарасини бераётгани таъкидланган.

Муаллиф бундай сиёсат самардорлигини 2021 йил февраль ойида Пешоварда (Покистон) темир йўл қурилиши бўйича имзоланган "Йўл харитаси", шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон юқори мартабали делегациялари иштирокида Мар-

казий ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт алоқалари бўйича уч томонлама музокаралар якунига доир "Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўлини қуриш бўйича қўшма ҳаракат-режаси имзолангани мисолида ҳам кўради. Бу йўл Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатларига Ҳинд океани портларига чиқиш имконини бериши, шунингдек, Жанубий Осиё темир йўлини боғлаши, минтақанинг Евроосиё билан транзит салоҳиятини сезиларли ошириши таъкидланади.

Ушбу лойиҳа Европа, Марказий Осиё, Покистон, Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш, импорт ва экспорт ҳажминини оширишга ҳам ёрдам беради.

Бундан ташқари, Трансафғон темир йўли қурилиши минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

▶ Давоми 3-бетда

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ МОТАМСАРО ОНА МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙДИ

Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари 9 май — Хотира ва қадрлаш куни пойтахтимиздаги Мотамсаро она ёдгорлиги пойига гул қўйди. Дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон халқини қутлуг байрам билан табриклади.

Сатибалди ДАРХАН,
Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон халқини бугунги сана муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман. Бу ҳақиқатан ҳам катта ва умумий байрамдир. 76 йил ўтди, бу хийла катта муддат, шундай бўлса-да, биз буни ёдга оламиз. Сайёрамизнинг барча аҳолиси бу кунни

эсдан чиқармаслиги, Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари бутун инсоният учун сабоқ бўлмоғи лозим.

Ўзбекистондан фронтга юборилган 2 миллионга яқин кишининг кўпчилиги қайтмаган, ханузгача уларнинг аксарияти бедарак кетганлар қаторида

саналади. Қозоғистондан ҳам тахминан 1 миллион 380 минг киши фронтга кетган бўлса, уларнинг 600 минги қурбон бўлган, 400 минги, жумладан, менинг бобом ҳам бедарак кетган ҳисобланади.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланғичи 1-бетда

Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда хурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Ва бу билан биз ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларга маълумки, кейинги йилларда халқимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари очилгани, собиқ Иттифок республикалари ва чет элдаги архив ташкилотлари, музей ва фондлар, олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихи янги маълумот ва далиллар, ноёб ҳужжатлар билан бойиб бормоқда. Мавзуга оид янги-янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва альбомлар, кўплаб картина ва ҳайкаллар яратилмоқда.

Таълим масканлари ва маҳалла идораларида ушбу йўналишда ташкил этилган стенд ва кўргазмаларда жангчи ота-боболаримизнинг улмас сиймолари, улар ҳақидаги муҳим тарихий маълумотлар акс эттирилмоқда. Биз бу ишларни янада кенг кўлаmdа, фаол давом эттиришимиз зарур.

Бугун уруш йилларида беш азамат ўғлидан жудо бўлган Зулфия Зокирова ва унинг оиласига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, ҳурмат бажо келтирдик. Бу матонатли инсон тимсолида барча Ўзбекистон оналарига юксак хурмат-эҳтиромимизни изҳор этдик.

Ишончим комилки, ана шундай фидойи оналаримиз — севган ёри ва фарзандларига, оиласи ва юртига содиқ аёлларимизнинг жасорати ёш ўғил-қизларимиз учун Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат, сабр-матонат тимсоли бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ушбу мажмуадаги ҳар бир ёдгорликнинг маъно-мазмуни ва фалсафасини, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига синдиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ғалаба боғи фаолиятини ташкил этиш ҳақида ўтган йили қабул қилинган Президент қарорида мувофиқ, бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, уларнинг барчаси ҳақида сўзлаш учун кўп вақт керак. Мен фақат энг муҳим ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуасини харбий тарихимиз, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари жасоратини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш ҳаракати бошланди. Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мажмуанинг электрон платформаси, онлайн дастурлар яратилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Мажмуанинг веб-сайти такомиллаштирилди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 2 миллионга яқин ватандошимизнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва шу асосда “Ватан фидойилари” хотира китобини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган қисқа даврда, карантин шароитига қарамадан, Ғалаба боғига 350 мингга яқин юрtdошимиз ва чет эллик меҳмонлар таширф буюрди. Уларнинг орасида ўқувчи ва талаба ёшлар, муҳтарам нурунийлар, харбий хизматчилар, Хамдустлик давлатлари ва бошқа чет эл фуқаролари, юқори мартабали хорижий делегациялар аъзолари борлиги, айниқса, эътиборга сазовор.

Бу ерга ташриф буюрган одамларнинг Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига кўрсатилаётган улкан ҳурмат-эътибор ҳақида билдирган самимий фикрлари, юксак баҳолари, ўйлаيمانки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Ғалаба боғи қисқа муддатда табаррук зиёратгоҳга, турли учрашувлар, маънавий-маърифий, харбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар мунтазам ўтказилаётган кўтулғу масканга айланган қолгани барчамизни қувонтиради. Айниқса, 300 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган “Шон-шараф” харбий фестивали, ёш ижодкорларнинг уруш мавзусидаги кўргазмалари, кўрик-танловлар кўпчиликида катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунда мажмуа таркибида фаолият кўрсатаётган “Шон-шараф” давлат музейида 12.5 мингга яқин экспонат тўпланган бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йили нашр этилган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” китоб-альбомини тилга олиш ўринлидир. Бу йилги байрам арафасида унинг узвий давоми бўлган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” ва “Ғалаба боғи фалсафаси” номли китоб-альбомлар чоп этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу наشرларда халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида илгари бизга номаълум бўлган кўплаб янги маълумотлар келтирилган.

Шу борада биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, таниқли саҳна устаси Маъсума Қориева урушдан олдинги йилларда собиқ Ҳамза театрининг етакчи артистларидан бири бўлган. Унинг қайнотаси — жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояندаси Абдувоҳид қори, қайинукаси — истеъдодли шоир Олтой Қориев, турмуш ўртоғи — Маданият вазирлиги санъат бошқармасининг бошлиғи Босит Қориев 30-йилларда ноҳақ сиёсий қатағонга учрайди. Қайнотаси ва эри ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Ўрта ёв бостириб келган оғир кунларда Маъсума Қориева ўз бошига тушган фожияни унутиб, икки фарзанди — Шавкат ва Ботир Қориевларни фашизмга қарши жангга юборди. Ўзи эса ҳозирги Ўзбек миллий театрида касабаяушмасига раҳбарлик қилиб, гоёт оғир даврда ходимларни моддий таъминлаш учун жонбозлик кўрсатади.

Уруш тугайди, лекин Маъсума аянинг фарзандларидан дарак бўлмайди. Муштилари она уларнинг изларини излаб Москвага боради. У ерда иккала ўғли ҳам жангларда ҳалок бўлганини аниқлайди.

Маълум бўлишича, урушда кўрсатган жасорати учун Шавкат Қориев “Қизил байроқ” ордени, Ботир Қориев эса “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланган экан. Минг афсуски, Маъсума Қориева у пайтда бундан бахобар эди. Онаизор фарзандлари доғини кўтаролмасдан, 1946 йили Москвада вафот этади.

Мана шундай қайғули воқеалар билан танишганда, қаҳрамон аждодларимизнинг ўчмас хотираси олдидаги қарзимиз ва бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бугунги тинч, эркин ва ёруғ кунларнинг қадрига етиш кераклигини яна бир бор англаймиз.

Ўйлаيمانки, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, киночи ва расомларимиз Ғалаба боғидаги ҳар бир мажмуа ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар яратиб, халқимизга тақдим этса, нур устига нур бўлади.

Шу нуқтага назардан қараганда, Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етказиш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Юртимиздаги ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва таълим муассасаси, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз уруш иштирокчиларига доир материалларни тўплаш ва тарғиб этишда янада фаол иштирок этадилар, деб ишонман.

Айниқса, замонавий илм-фанларни, хусусан, миллий тарихимизни катта қизиқиш ва меҳр билан ўрганаётган ёшларимиздан бу борада янги ташаббус ва ҳаракатларни кутиб қоламиз.

Бугунги кунда юртимизда уруш қатнашчилари ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ электрон базасини яратишнинг вақти-соати келди. Россия, Беларусь, Қозғистон каби давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибасини ўрганиб, бундай амалий ишларни Ўзбекистонда ҳам ташкил этишимиз лозим.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, бу борада махсус сайтлар, Интернет ресурсларни кўпайтириш ҳақида қарор лойиҳасини тайёрлаб киритиш топширилади.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улғу бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, **Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамisha барҳаёт яшайди.**

Шу боис, биз учун уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш доимо муқаддас вазифа бўлиб қолади. Байрам муносабати билан бу борада кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, харбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзоларини қўллаш, табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилди. Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларининг уй-жойлари таъмирланди ва обод қилинди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатилган, уларни парварши қилиш билан шуғулланадиган патронаж хизмати йўлга қўйилди. Ана шундай фахрийларимиз ўз хоҳиш-истаклари асосида республикамиздаги санаторийларда даволанмоқда. Байрам кунларида барча шахар ва қишлоқларимизда хотира тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган бундай савобли ишларни биз бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Қадрли дўстлар! Бугунги нотинч ва таҳликали ҳаётнинг ўзи Иккинчи жаҳон урушининг қонли фожияларидан хулоса

ва сабоқ чиқариб яшашни бутун дунё халқларидан талаб этмоқда. Ер юзиде тинчлик учун курашиш, дунё давлатлари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясини айнан мана шундай тамойиллар асосида амалга оширмаймиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Айниқса, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳамisha бош вазифамиз бўлиб қолади.

Дунёда ва минтақамиздаги нотинч вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, биз доимо хушёр ва сезгир бўлиб яшашимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириб, ёшларимизни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ана шундай гоёт муҳим вазифаларни самарали адо этишда буюк аждодларимиз, муҳтарам фахрийларимизнинг мардлиги ва шонли анъаналари, ҳеч шубҳасиз, биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз ва миллатимизнинг юксак қадрият ва фазилатлари айнан ана шундай асосда шаклланади ва ривожланади.

Қаҳрамон оталаридан ўрналик ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим! Сиз, азизларни бугунги кўтулғу байрам — Хотира ва қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбидан табриқлайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, яқинлашиб келаётган яна бир улғу айём — муқаддас Рамазон ҳайити билан ҳам барчамизни самимий муборакбод этаман.

Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат тилаймиз.

Халқимиз ва бутун инсоният учун буюк Ғалаба келтирган барча жасур жангчиларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Тинчлик ва озодлик йўлида ўз азиз жонларини фидо этган қаҳрамонлар хотираси ҳамisha барҳаёт бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Доимо соғ-саломат бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ҚАҲРАМОНЛИГИ ИНСОНИАТ ТАРИХИГА АБАДИЙ ЎЧМАЙДИГАН, БУЮК САҲИФА БЎЛИБ ЁЗИЛГАН

Бошланғичи 1-бетда

Бу гал Хотира ва қадрлаш куни Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йиллида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 20 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони юртимизда уруш фахрийларига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин далилидир.

Фармонга мувофиқ, барча шахару қишлоқларда, маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз раҳбари номидан 12 миллион сўм пул мукофоти, эсдалик совғалар тантанали равишда топширилиб, Президент табриги ўқиб эшиттирилди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбиде ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек олижаноб фазилат тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Зеро, бугунги дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, муътабар кескаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини билан яшаш бизга энгилмас қувват бағишлаб, руҳимизни поклайди, янги-янги бунёдкорликларга чорлайди.

...9 май. Пойтахтимиздаги Ғалаба боғи ҳар доимгидан-да гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, харбийлар, жамоатчилик вакиллари жам бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Атроф байрамона безатилган. Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарият таркиби саф тортган.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини уларни байрам билан табриқлади.

Харбий оркестр ижросида “Хотирлаш куйи” янгради. Президент “Матонат маҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган матонатли она — Зулфия я Зокирова, унинг садоқатли келинлари ва етим қолган набибалари хотирасига бағишлаб барпо этилган. У халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, ғалабага қўшган улкан ҳиссасининг тимсоли сифатида боғ марказидан ўрин олган. Бу ёдгорликка

гул қўйиш барча Ўзбекистон оналарига юксак хурмат-эҳтиром ифодасидир.

Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди.

Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 76 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриқлади.

— Ёл-юртимиз муҳаббат учун йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намойён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатта мансуб минг-минглаб инсонларга бошлана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам қўрди. Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Уруш фожияларидан сабоқ чиқариб, тинчлик учун курашиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон ўз стратегиясига мувофиқ, тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлидан боради.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида айна кучга қўлланган йигитларнинг қурбон бўлгани ё бедарак кетгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур қилишнинг ўзи ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади, юракларни изтиробга тўلدирди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бедарак кетганлар ким эди? Улар киминдир ўғли, отаси, бобоси, суюкли ёри эмасиди? Юрт тинчлиги йўлида жон



ўша йиллари урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кескалар, аёллар ва болалар Ўзбекистонга қўчириб келтирилган. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган болалар эди.

— Ёл-юртимиз муҳаббат учун йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намойён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатта мансуб минг-минглаб инсонларга бошлана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам қўрди. Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Уруш фожияларидан сабоқ чиқариб, тинчлик учун курашиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон ўз стратегиясига мувофиқ, тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлидан боради.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида айна кучга қўлланган йигитларнинг қурбон бўлгани ё бедарак кетгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур қилишнинг ўзи ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади, юракларни изтиробга тўлдирди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бедарак кетганлар ким эди? Улар киминдир ўғли, отаси, бобоси, суюкли ёри эмасиди? Юрт тинчлиги йўлида жон

фидо қилган бундай инсонларнинг номаълум тақдирини бизни доимо ўйга толдиради. Улар ҳақидаги маълумотларини излаб топиш, тарихий ҳақиқатни тикламоқ сизу бизнинг муқаддас бурчимиз, олимлар ва зиёлиларнинг шарафли иши бўлмоғи зарур.

— Урушга кетганимда 19 ёшли навқирон йигит эдим, 7 йил хизмат қилиб, 26 ёшда юртга қайтдим, — деб эслайди ўша машъум йилларни Ҳожимурод ота Бектошев. — Қонли жангларда олов кечиш бир томону киши изгиринидан жон сақлаш бир томон эди. Чунки совуқ жонжонимиздан ўтиб кетарди. У кунларни эслаш ниҳоятда оғир. Не-не машаққатларга дош берган бу жоним фашистлар томонидан қийноққа солинган аёллар ва болалар чекаётган азобга асло чидай олмади. Илоё, сизлар у кунларни кўрманглар, уруш деган бало ҳеч қачон қайтмасин...

Хотира ва қадр тушунчалари михридан ўзаро уйғундир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраш билан бирга, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни ёд этиш, сўнмас жасоратини хотирамизда мангу сақлаш, инсоннинг тириклигида қадрига етиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

— 96 ёшни қарши олдим. Қўзимдан нур, белимдан мадор кетган бўлса ҳам ҳаётга, яшашга иштиёқим баянда, — дейди Бувайда тумани Янгиқўрган шаҳарчаси-

да яшовчи Кенжабой ота Эгамқулов. — Урушда икки акам ҳам қатнашиб, шукрки, эсон-омон қайтиб келган. Узим Смоленск, Сталинград, Москва остоналарида кечган жангларда иштирок этдим. 1944 йилда яраланиб, юртга қайтдим. Президентимизнинг ташаббуси билан биз — уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбатликдан чексиз миннатдорман. Ҳар биримизга 12 миллион сўмдан пул ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди. Айниқса, соғлиғимиз шифокорларнинг доимий назоратида экани умримизга-умр кўшмоқда.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили турли қўриқчилик ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниши, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачаси ва бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортда bepул юриш ҳамда коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олишига алоҳида эътибор берилаетди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг муқаддас Ҳаж зиёратига bepул юборилгани нурунийларни, халқимизни беҳад қувонтирди.

Халқимиз “Инсон — ғанимат” деб бежиз айтмайди. Дарҳақиқат, шундай. Биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга

камайиб бормоқда. Шундай экан, биз қарияларимизни асрашимиз, хаётдан рози бўлиб яшаш учун қўлдан келганча ҳаракат қилишимиз, уларга иззат-иқром кўрсатишимиз зарур.

Шу кунги Мотамсарона она ҳайкали пойи ановий гуллар билан бурканди. Юрт озодлиги ва равақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Тадбир телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги байрам иштирокчилари, нурунийлар билан видеоалоқа воситаси орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбирга келган уруш ва меҳнат фахрийлари билан саломлаштириб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Кескалар мамлакатимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Байрамга бағишланган концерт дастури тадбир иштирокчилари қалбига янада кўтаринкилик олиб кирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Шон-шараф музейидаги янги экспозиция билан ҳам танишди.

Музейда 12 минг 500 дан зиёд экспонат тўпланган бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган. Давлатимиз раҳбарининг аввалги ташриф чоғидаги кўрсатмалари асосида экспозициялар янада бойитилган. Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идоралар учун алоҳида бўлимлар ташкил этилган.

— Бу ер халқ музейи бўлиши керак. Урушда қатнашган ёки етим болаларни боқиб олган инсонларнинг авлодлари билан боғланиб, боболарининг жасоратини юзага чиқариш зарур. Ҳали ўрганилмаган жуда кўп манбалар бор. Юртимиздаги ҳар бир қишлоқ, маҳалла, мактаб, умуман, жамоатчилик уларни тўплаш ва тарғиб этишда фаоллик кўрсатиши керак. Бу уруш даҳшатини англаш, тарихдан сабоқ чиқариш учун муҳим. Музей бунда асос, тарих билан бугунги кун ўртасида кўприк бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, китоблар чоп этиш бўйича топшириқлар берилди.

Абу Бақир ЎРОЗОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

“ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИ БИРЛАШТИРАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадами — “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида юқори даражадаги халқаро конференция ўтказиш ташаббусидир.

илк кунларданок ташқи сиёсатда тинчликпарварлик ғоясини илгари сургани, хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан аҳил қўшнилик, тарихий бағрикенглик, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга сабаб бўлиб келган масалаларни ҳал қилиш, қўшни халқлар ўртасида дўстлик муносабатлари шаклланишида асос бўлди.

“Президент Шавкат Мирзиёевнинг биринчи муҳим халқаро ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини чақириш тўғрисидаги мазкур ташаббус амалга ошди. Бу ташаббус халқаро эътирофга сазовор бўлди ва минтақа давлатларининг барча раҳбарлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди”, деб ёзади А.Веселов.

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга нисбатан янги очилган сиёсати тўғрисида қўлай сиёсий муҳит яратилгани, дўстлик ва ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланиб, тобора ривожланиб бораётгани ҳам тилга олинади.

Кейинги йилларда Тошкент турли халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш, дўстона ҳамкорлиқни ривожлантириш

тириш, таҳликали вазиятларни юмшатиш, ўзаро фикр алмашиш майдонига айланган, дейилади мақолада.

ИШБИЛАРМОНЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Муаллиф Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир саъй-ҳаракатлари ҳақида ёзар экан, 2017-2019 йилларда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўртача йиллик савдо ҳажми икки баробардан зиёд ўсиб, 5,2 миллиард АҚШ доллариغا етганини ҳам назардан четда қолдирмайди.

“2020 йил охирида, глобал пандемияга қарамай, Ўзбекистон билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этди. Умуман, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар яхшиланиши минтақанинг инвестиция жозибадорлигини оширишга ёрдам берди. Хусусан, 2017 йилдан 2020 йилгача Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида 300 дан ортиқ, қарийб 75 миллиард долларлик шартнома ва битимлар имзоланди”, дейилади мақолада.

Александр Веселовнинг ёзишича, Ўзбекистоннинг прагматик сиёсати туфайли минтақа давлатлари ўртасидаги бир қатор муаммолар бартараф этилди. Булар сирасига сўвдан фойдаланиш, чегараларни аниқлаб олиш, ўзаро борди-келдини кўпайтириш, чегара-ўтказув пунктларидаги тартибни энгиллаштириш каби масалалар кирди.

Мақола сўнида Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида зикр этилади.

МУНОСАБАТ

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ



Кун кеча давлатимиз раҳбари раислигида чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимдаги муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди.

Ушбу марказда вилоят миқёсида йилга халқ таълими тизимидан 900 нафар, мактабгача таълим тизимидан 500 нафар, олий таълим тизимидан 1 304 нафар, жами 2 704 нафар чет тили ўқитувчиси ва педагог ходим малака ошириши режалаштирилган.

Илмий-методик марказда ҳамкор халқаро ташкилотларнинг катта таърифи, замонавий методикаларидан унумли фойдаланган ҳолда, қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб, халқаро тиллар бўйича сертификатларни бериш имкониятлари кенгайтирилди.

Мазкур марказда мактабгача ва халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни йўлга қўйиш ҳам мумкин.

Бундан ташқари, ушбу илмий-методик марказда мактабгача, умумий ўрта, урта махсус, профессионал ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни, турли соҳалар мутахассисларини, бизнес вакиллари ва тадбиркорларни чет тиллар бўйича 6 ойлик интенсив қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби имкониятлар ҳам мавжуд. Талабдорлар ўз ихтиёрига кўра, аънавий ва маънавий таълим шаклида малака ошириши мумкин бўлади. Тизимга замонавий ахборот технологиялари жорий этилди ҳамда электрон таълим платформаси орқали тингловчиларга онлайн таълим олиш имконияти яратилди.

Бизга Президентимизнинг Самарқанд давлат чет тиллар институти фаолиятини такомиллаштириш ҳамда комплекс малака ошириш ва қайта тайёрлаш илмий-методик марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу қарор тасдиқланиши мазкур йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўтаришга мўъжизов бўлади.

Видеоселектор давомида Президентимиз хорижий китоблар, илгор ўқув дастурлари ва методикалардан эркин фойдаланиш ҳамда фанларни чет тилда ўқитишни йўлга қўйиш тўғрисида ҳам гапириб ўтди. Бунинг тасдиғини Самарқанд давлат чет тиллар институтида очилган янги мутахассислик “Компьютер лингвистика” йўналишида кўришимиз мумкин. Ушбу

рибали профессор-ўқитувчисидан иборат лингво-аудит хизмати ташкил этилди. Мактаб ўқитувчиларининг чет тили билиш даражасини ошириш ва уларни янги методикалар билан таништириш мақсадида каскад усули орқали туманлар кесимида тренерлар тайёрланди.

Чет тили ўқитувчилари учун 40 соатлик онлайн дарслар ташкил этилди. 68 та видеодарс электрон таълим платформасига жойлаштирилди. Шу аснода институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан барча мактабларнинг кутубхона ва моддий-техник базасини ривожлантиришга 100 миллион сўм йўналтирилди. Бу саъй-ҳаракатларимиз ва таълимга киритилган сармомиямиз инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган, албатта.

Президентимиз айтганидек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Шарқшунослик университетлари, Самарқанд давлат чет тиллар институти билан бир қаторда ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллар бўйича таълим муассасаси сифатида белгиланмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак,



эндиликда ҳар бир вилоятда ташкил этилаётган таълим муассасаси орқали вилоятнинг барча туманларидаги, ҳаттоки чекка қишлоқлардаги чет тили ўқитувчиларининг ҳам малакавий ва методик салоҳиятини ошириш, билим, савия ҳамда кўникмаларини бойитиш, мактаб ўқувчиларига замонавий адабиётлар асосида чет тилларни ўқитиш учун янги-янги имкониятлар эшиги очилади. Бу орқали хорижий тилларни ўқитиш сифати ўсишига эришиш мумкин.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, 2021 йил 1 мартдан бошлаб педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда лицензияга эга давлат таълим ташкилотларига халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳуқуқи берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Самарқанд давлат чет тиллар институтида хорижий тиллар бўйича барча таълим босқичлари учун узвийликда фаолият юритувчи комплекс малака ошириш ва қайта тайёрлаш илмий-методик марказини ташкил этиш тақдирини билдирди.



Илҳомжон ТҲҲАСИНОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Жумладан, жойлардаги ахвол мақсад қилинган катта режаларга мос эмаслиги, хусусан, таълим тизимда 2 миңдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вакант бўлиб қолаётгани, 1 миң 400 та мактабда чет тили ўқитиш сифати мўтлақо қониқарсизлиги, жумладан, бу тизимдаги ўқитувчиларнинг атиги 4 фоизи миллий ва халқаро тил сертификатига эга экани, 49 фоизи тестдан ўта олмагани таъкидлаб ўтилди.

Бу ҳолат жуда аянчли. Биз мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, мана шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида хорижий тилларни ўқитадиган ва абитуриентларни олий таълим муассасаларига тайёрлайдиган марказлар очганимиз.

Ушбу марказларда ҳар йили икки миңдан ортиқ абитуриент хорижий тилларни ўрганади. Президентимиз топширигидан келиб чиқиб, келгусида ҳар йили марказларимизда хорижий тилларни ўрганадиган абитуриентлар сонини 5000 нафарга чиқаришни режалаштирдик.

Мазкур марказларга Британия Кенгаши, АҚШ элчихонаси, Гёте институти, Альянс Франсез, КОИСА, Конфуций институти ҳамда ДААД ташкилотлари билан ҳамкорликда хорижий ўқитувчиларни жалб қилганимиз ва кечки ўқув курсларини йўлга қўйганимиз. Уларда нафақат абитуриентлар, балки ўқитувчилар ҳам тайёрларлик кўришлари мумкин.

Самарқанд вилоятида жами 1 257 та мактабда 5 404 нафар чет тили ўқитувчиси (3 751 нафари, 69,4 фоизи аёллар) фаолият кўрсатмоқда. Инглиз тилидан дарс бериладиган 4 559 ўқитувчидан бор-йўғи 221 нафари (4,8 фоизи) IELTS, CEFR сертификатига эга.

кечирётганимизни теран англашимиз керак. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, буларнинг барчаси мамлакатларимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари натижасида рўй беряпти.

Сўнги йилларда ўзбекистон кенг қўллаб-қувватлаган ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Биз уларни ўрганаётганимиз ва натижаларидан хурсанд бўлмоқдамиз.

Мен 2 йил уч ойдан буён Ўзбекистонда яшаётган бўлсам, одамлар чеҳрасидаги ўзгаришларни кўрялман, чуқки улар яхши ва фаровон ҳаёт кечира бошлади.

Олег МАЛЬГИНОВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Барча ўзбекистонликларни ушбу кутлуг байрам билан табриқлайман, уларга энг эзгу тилакларимни йўлайман, бошлари узра доимо тинчлик ҳукмрон бўлишини истайман.

Мен Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига чўқур ҳурмат баҳо келтирилишини, Буюк Ғалабага эришилган кун энг нишонлишини яхши билар эдим. Лекин бугунги воқеалар мени катта ҳаяжон ва ҳайратга солди. Бу самимий бирдамлик ва яқдиллик туйғуларини намоян этди. Оддий инсонлар ҳам, мамлакат раҳбарияти ҳам машғум уруш ҳақидаги хотира муқаддас бўлмоғи кераклиги борасида ҳамдамдир. Бу чин маънода халқ байрамидир ва мазкур тантаналар бизнинг нақадар яқинлигимизни яна бир бор қўрсатмоқда. Чуқки Ғалаба ҳамма учун биттадир.

Биз Ўзбекистон халқининг уруш фронтлари ва фронт ортида қўшган улкан ҳиссасини, эвакуация қилинганларга қўрсатган ғамхўрлигини яхши биламиз.

Россияда бундай муносабатни юксак қадрлашди ва уни ҳеч қачон унуттишмайди. Биз бу байрамнинг, урушда қатнашган барча-барча қаҳрамонлар ва фронт ортида меҳнат қилганлар ҳақидаги хотиранинг боқий бўлишига ишонамиз.



“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАБУСЛАРИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Мақола муаллифи Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ МОТАМСАРО ОНА МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚҲЙДИ



Ҳелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги Резидент-координатори ва БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили:

— Авваламбор, Ўзбекистон халқи ва барчамиз учун муҳим бўлган ушбу байрам билан самимий табриқлайман. Менимча, бу сана жаҳон ҳамжамияти томонидан тинчликни асраш учун қандай ҳамкорлик қилишимиз кераклигини, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада ривожлантиришимиз лозимлигини аниқлатадиган кун. Бугун, Хотира ва қадрлаш кунинда Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага ўз ҳаёти, ғайрати ва фидокорона меҳнатини бахш этган матонатли кишилар, жумладан, Ўзбекистонлик мард ўғлонларнинг эркин хотирасини ёдга оляймиз.

Ўзбекистон уруш йилларида қўллаб одамларни ўз бағрига олиб, бошпана бергани, босиб олинган ҳудудлардан 1,5 миллиондан ортиқ киши, жумладан, эвакуация қилинган болалар бу ерда қанчалик илқ кутиб олинганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу боис, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман, ҳаёт бўлган фахрийларнинг эъозланишини оқлашайман. Шу ўринда, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни сақлашдаги ролини алоҳида қайд этишни истардим.

Уйлайманки, бугунги байрам тинчликни асраш учун барча саъй-ҳаракатларимизни янада бирлаштиришга ундайди.

Агостино ПИННА, Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



“Дунё” АА

Уруш — инсоният учун катта бахтсизлик, катта фожиа, биз бунга ёдда тутишимиз ва ёш авлодга етказишимиз лозим.

Биз ўзимизни энг бахтли инсонлар санашимиз мумкин. Чуқки эркинлик, егулик топши билан боғлиқ муаммоларимиз йўқ, кўчага чиқишга қўрқмаймиз ва фарзандларимиз келажидан кўнглимиз тўқ.

Агар Марказий Осиё халқларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир бахтли ҳаёт

демократик ва фаровон мамлакатга айланди. Биз ҳам тарихдаги ушбу лаҳза — озодлик кунини хотирлаймиз, уни ҳар доим ҳурмат билан эслашимиз ва унутмаслигимиз керак.

Мен бутун Ўзбекистон халқини, айниқса, бугун орамаида умргузаронлик қилаётган уруш ветеранларини ушбу байрам билан табриқлайман. Биз бугунги озод ҳаёт учун жонини фидо қилганларни доимо эсда тутамиз.

Шу маънода, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат юритиб, жумладан, “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти, ШҲТ ва бошқа тузилмалар имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

Биз Ўзбекистон Президенти томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолаймиз. Ҳиндистон, ўз навбатида, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда Ўзбекистонни доимо қўллаб-қувватлайди.

Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



“Дунё” АА



БУЮК ИБРАТ НАМУНАСИ



Ҳамдам ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг
тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бўйича ўринбосари,
полковник

Мард ва олижаноб халқимиз кўп минг йиллик тарихи мобайнида турли даврларни бошидан ўтказди. Инсониятни ёруғликка олиб чиқувчи тараққиёт пиллапоярлига қадам қўйди, адолатсизлик ва ёвузликка қарши курашларда оламшумул зафарлар қозонди. Ана шу ғалабалар ва эришилган ютуқлар халқ даҳисига қўйилган улуг бир хайкал бўлди. Ёзма ёдгорликларда, тарихий обидаларда ва бошқа кўплаб ашёларда буй қўрсатиб турган бой тарихимиз буюк бир ибрат ўлароқ, бугунги авлодни янги марралар сари қорлайди. Улар қалбида фахр ва ғурур туйғусини уйғотиш билан бирга, юксак маъсуляят пайдо қилади.

Инсоният тарихига қора доғ бўлиб тушган Икинчи жаҳон уруши, афсуски, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Гарчи, қирғинбарот жанглр Ўзбекистон ҳудудида кечмаган бўлса-да, халқимиз қалбига мислсиз жароҳатлар солди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Икинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба "Хотира ва қадрлаш кунин" сифатида кенг нишонланади.

Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги кенг нишонланмоқда. Умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳам фаол иштирок этмоқда. "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шиори остида бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган уруш ва фронт орти фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам, чуқур ҳурмат-эҳтиром қўрсатмоқда.

Президентимизнинг "Икинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони уруш фахрийларига қўрсатилаётган эҳтирмонинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Фармонга мувофиқ, барча шахару қишлоқларда, маҳалларда уруш қатнашчилари ва ногиронларга давлатимиз раҳбари номидан 12 миллион сўм пул мукофоти, эсдалик совғалар тантанали равишда топширилди. Президент табриги ўқиб эшиттирилди.

Пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, "Турон" давлат ҳарбий театри санъаткорлари, ҳарбий оркестрлар иштирокида муслик фестивал, уруш

даври ҳарбий автомобилларининг марши ўтказилди. Мазкур маданий тадбирларда урушда ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотираси, уларнинг қаҳрамонликлари, оловли жанглардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамларда ҳам ўзлигини йўқотмаган юртдошларимиз мадҳ этилди.

"Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуасида бедарак кетган уруш қатнашчилари, уларнинг жасорат ва қаҳрамонликлари ҳақида янги маълумотлари аниқлаш, илмий тадқиқотлари ҳамкорликда ўрганиш мақсадида "Марказий Осиё халқлари тарихи ва хотирасида Икинчи жаҳон уруши: воқеалар, иштирокчилар ҳамда рамзлар" мавзусида онлайн шаклда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Қозғистон, Туркманистон, Қирғизистон, АҚШ, Беларусь, Польша, Россия, Хитой каби давлатлар вакиллари иштирок этган конференцияда илмий тадқиқотлар натижасида ҳозиргача номаълум бўлган кўплаб қаҳрамонларнинг тақдирига ойдинлик киритилгани эътироф этилди.

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. "Хотира бор экан — миллат барҳаёт" шиори остида Мудофаа вазирлиги томонидан фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, жанг майдонларида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, бедарак кетганларни излаб топиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йил октябрь ойида Санкт-Петербургда "Линия фронта" қидирув отряди томонидан Ленинград вилояти Кировск тумани Молодцово қишлоғи яқинида қидирув ишлари натижасида бедарак кетган каттақўрғонлик Бобораҳим Абдуллаев номи тикланди. 1922 йилда туғилган Бобораҳим урушга 1941 йили сафарбар этилган.

Ўзбек ўғлонининг хоки Ватанга келтирилди. Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги ва Каттақўрғон туман ҳокимлиги, фахрийлар, ёшлар ва марҳумнинг яқинлари иштирокида Бобораҳим Абдуллаев ўзи туғилган урган қишлоқ қабристонига ҳурмат-эҳтиром билан қайта дафн этилди. Жасур жангчининг буюмлари яқинларининг розилиги билан "Шон-шараф" давлат музейига топширилди.

Утган бир йил мобайнида "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси, Шон-шараф давлат музейи илмий ходимлари ҳамда олимлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Миллий архиви ва бошқа архивлардаги 2 мингга яқин йўзма жилд ўрганиб чиқилди. Мамлакатимизда Икинчи жаҳон урушига тегишли маълумотлар жами 40 мингдан зиёд йўзма жилддан иборат экани аниқланди.

Бугунги кунда музей фондида 12,5 мингга яқин экспонат бор. Икинчи жаҳон урушида чин маънода бутун инсоният оёққа қалқди, қурол ушлашга мадори бор ёшу қари хурлик учун жанг майдонига чиқди. Ўзбек ўғлонлари ҳам ушбу беаваз урушнинг олд чиқарилди ҳаракат қилиб, сўнмас қаҳрамонликлар қўрсатди.

Аниқ фактларга таянадиган бўлсак, Ўзбекистон аҳолиси 1941 йил 6 миллион 800 мингдан зиёд киши бўлган. 1 миллион 951 мингга яқин юртдошимиз урушга сафарбар этилган. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлга қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

200 мингдан ортиқ уруш қатнашчилари жанг майдонларида қўрсатган жасорати ва мардлиги учун орден ва медалларга сазовор бўлган. Улардан 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 70 дан ортиги "Слава" орденининг тўлиқ кавалерлари эди.

Бундан ташқари, "Москва мудофааси учун" медали билан — 1 753, "Сталинград мудофааси учун" медали билан — 2 738, "Кавказ мудофааси

учун" медали билан — 2 924, "Ленинград мудофааси учун" медали билан — 1 382, "Севастополь мудофааси учун" медали билан — 124, "Одесса мудофааси учун" медали билан — 84, "Будапештти озод қилганлиги учун" медали билан — 2 430, "Венани озод қилганлиги учун" медали билан — 2 000 юртдошимиз тақдирланган.

Шунингдек, "Бельградни озод қилганлиги учун" медали билан 664, "Берлин олингани учун" медали билан 1 706, "Германия устидан қозонилган ғалаба учун" медали билан 109 минг 208 ўзбекистонлик мукофотланди. Бир неча минг юртдошимиз эса Италия, Англия, Франция, Югославия, Польша, Чехославакция, Венгрия каби мамлакатларнинг орден-медаллари билан тақдирланган.

Урушда қатнашган юртдошларимизнинг 49 нафари генерал унвонига сазовор бўлган. Уларнинг 23 нафари "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" нишонини билан тақдирланган.

Ўзбекистон урушдан катта йўқотиш билан чиқди. Фроннга сафарбар қилинганларнинг 500 мингдан ортиғи ҳалок бўлди, 158 мингдан ортиқ киши бедарак кетди. Урушдан қайтганларнинг 800 мингга яқини бир умр жароҳат билан яшаб ўтди.

Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи "Ҳамма нарса — фронт учун", "Ҳамма нарса — Ғалаба учун" деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўпмиллатли аҳолиимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 167 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа муддатда ишга туширилди. 485 мингдан ортиқ ярадор ва жароҳат олган уруш қатнашчилари юртимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб, шифо топди.

Шу йилларда Ўзбекистонга 90 дан ортиқ таълим муассасаси — академиялар, институтлар, илмий-тадқиқот марказлари, билми юртлари кўчирилди. Жанг майдонларида жон оғлиб, жон бераётган жангчилар учун миллион-миллион дона кийим-кечаклар, минглаб тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, самолётлар, авиабомбалар, танклар, миномётлар, снарядлар, ўқдор, қурол-аслаҳа ва бошқа зарур маҳсулотлар, ашёлар, ускуналар етказиб берилди.

Янги аниқланган маълумотларга қўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 200 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бў одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор қўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам қўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намойён этди.

Нуроний зотларга, суронли даврларни бошдан кечирган уруш ва меҳнат фронти фахрийларига назар ташлар эканмиз, юртимизда хукм сураётган тинчлик-осойишталик, меҳроқибат, баргикенглик ва миллатлараро тотувликини кўз қорачиқидек асраш, дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлаш янада муҳим эканини англаймиз.

Уша олис ва суронли жанг майдонларида ҳам халқимизнинг буюклигини, жасорат ва мардлик қон-қонига сингиб кетганлигини исботлай олган, ўзбекининг ҳеч кимдан кам эмаслигини қўрсатган боболаримиз бугунги тинч-осойишта ва эркин ҳаётга осонликча эришилмаганини, оғир машаққатлар завзига қўлга киритилганини таъкидлайди, бизни мудом оғоҳ ва хушёр бўлишга даъват этиб, осойишта ҳаёт қадрига етиб яшашга қаҳиради.

Бинобарин, ўз мардлиги ва матонати билан инсоният тинчлигини бекиёс ҳисса қўшган юртдошларимизнинг жасоратли ҳаёт йўли буюк ибратдир.

БАҒРИКЕНГ ВА САҲОВАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ МАТОНАТИ



Наим ОБЛУМУРОДОВ,
Тошкент молия институтининг
кафедра мудири, техника
фанлари доктори, профессор

Тарихнинг Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ саҳифаларига назар ташласак, у инсоният тарихидаги энг қирғинбарот уруш бўлганига гувоҳ бўлаемиз. Уруш олти йил (2194 кун) давом этиб, унда 62 та давлат иштирок этган. Ҳарбий ҳаракатлар дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатига дахл қилди. Бу ҳаракатларга жами 110 миллион одам сафарбар этилиб, уруш йилларида уларнинг 70 миллион нафари ҳалок бўлди.

Мазкур аянчли уруш даврида юртдошларимизнинг фронт ва фронт ортида қўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати тарих саҳифаларига мангу муҳрланган. Иккинчи жаҳон урушининг бошланғич миллионлаб халқлар бошига оғир қулфатларни солди, мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди. У тўғрисида юз минглаб инсонлар ўз ватанидан, оиласидан, фарзандларидан ажралди. Дунё уруш исканжасида қолди, мамлакатлар ва халқлар ўртасида сиёсий, ҳарбий ихтилофлар юрталди.

Шундан сўн уруш бўлаётган ва душман яқинлашиб келган ҳудудлардан муҳим санаот корхоналарининг мулкларини, маданий бойлиқлар ва ўқув юртларини Шарққа, жумладан, Ўзбекистонга кўчириш ҳаракатлари бошланди.

Оғир шароитда ўзбекистонликлар урушининг мушкул синовларига дош бериб, ғалабага ўз ҳиссаларини қўшди. Фроннга ёрдам қўрсатиш ҳаракати бутун Ўзбекистонни қамраб олади. Уруш давомида ўтказилиб турган йиғилишларда ушбу масала доимий равишда муҳокама этилиб, тўлиқ назорат остига олинди. Барча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмаларда уруш кетаётган ҳудудларга ва мамлакатнинг озод қилинган қарғий туманларига ҳар томонлама кўмак бериш, фашист босқинчиларига қарши курашда ватандошларига елкадош бўлиш борасида оммавий митинглар ва тадбирлар бошлаб юборилган эди.

Ўзбекистонликлар озод қилинган ҳудудларда халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, фроннга зарур халқ ҳўжалиги моллари, уй-рўзгор буюмлари, ҳарбий анжомлар, озиқ-овқат, мева-сабзавот, ҳарбий қурол-яроғ етказиб беришда ҳақиқий намуна қўрсатди. Жумладан, 1942 йилда Ўзбекистон санаот корхоналарининг кўплаб жамоалари озод қилинган ҳудудларга инсонпарварлик ёрдамлари қўрсатиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва уй-рўзгор буюмлари билан таъминлаш учун дам олиш кунлари ҳам ишлашга қарор қилди. Корхоналар ишчилари, айниқса, 1941-1942 йиллар тинимсиз оғир, машаққатли меҳнат азобларини бошдан кечирди.

Немис-фашистлардан озод қилинган минтақалар аҳолисига кўп миқдордаги уй-рўзгор анжомлари, турли трикотаж буюмларини тайёрлаб, тўплаб жўнатиш осон кечмаган, албатта. Бир қатор енгил санаот корхоналари ишчилари 1942 йил

июль ойида турли кийим-кечак, тери, чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 2-3 сменада ишлашга мажбур бўлган. Маҳаллий санаот корхоналари ишчиларининг ушбу инсонпарварлик ва ватанпарварлик ташаббуси республикамизнинг бошқа корхоналарида ҳам бошлаб юборилди.

Масалан, 1942 йилда Денов пахта заводи жамоаси вайрон қилинган ҳудудларни қайта тиклашга ва фронт учун икки кунлик иш ҳақларини ўтказиб берган бўлса, Қўқон вагон депоси ишчилари 50 вагон мева-сабзавот, иссиқ кийим-бош, шахсий гигиена воситалари юборди. Шаҳардаги тери маҳсулотлари корхоналари 600 жуфт оёқ кийим, 2 тонна ҳўжалик совуни, 10 минг дона ювниш воситалари билан улуг қўшган.

Шунингдек, Тошкентдаги "Қизил тон" фабрикаси ишчилари Курск ва Орёл вилоятларига 250 минг сўм пул йиғиб юборди. 1944 йилда Тошкент механика заводи ишчилари ёчга ишлов берувчи станоклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, уларни Подмосковье вилоятидаги хом ашё қазиб олувчи шахталарга юборди. Республика ёшлари ўқидан ташқари пайтларда яна қўшимча ишлар ташкил қилиб, 1 вагон турли инвентарлар ҳамда керакли хўжоналари Сталинград шаҳридаги мактабларга жўнатиб, ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини қўрсатди.

Немис-фашистлар вақтинча эгаллаб олган ҳудудларда халқ ҳўжалиги, завод ва корхоналарни тиклашда ёрдам қўрсатиш учун "Ташсельмаш" заводи ишчилари Ростовдаги "Сельмаш" заводига сафарбар этилди. Республика энергетикари эса Украина ва Белоруссиядаги электр станцияларини қайта тиклаш ва ишга тушириш ишларига жалб этилди. Айниқса, Ангрэн шаҳри шахтёрлари Донецкдаги "Текстильмаш" заводига, Тошкент паровоз-вагон таъмирлаш корхонаси ишчилари Харьков ва Днепроретровск шаҳарларида мутахассис кадрлар, электромонтёрлар, сантехниклар, муҳандис-техник ходимлари билан катта ишларни амалга оширди.

Урушнинг энг оғир ва мусибатли онларига ўзбекистонлик темирйўлчилар Сталинград шаҳрига биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўздди. Тошкент темир йўли корхонаси Волга бўйидаги шахарни фашист босқинчилардан озод қилишда ва шахарни тиклашда кўмак бериш учун 33 вагон турли хил тиббиёт буюмлари, ҳарбий госпиталлар учун койкалар, телефон алоқа симлари, махсус кийим-бош, ҳўжалик буюмларини етказиб берди.

Республиканинг ёшлар ва ўсмирлардан иборат қурувчи бригадалари 93 та паровозни қайта таъмирлаб берди. Хусусан, Харьковга 40 та, Донбассга 30 та шундай паровозлар ва турли техник қурилмалар қайта таъмирлаб жўнатилиди. Бундай қаҳрамонона меҳнат учун Иттифоқ алоқа ва йўл тармоқлари Халқ комиссарлиги Тошкент темир йўл корхонаси маъмурияти ёшларига алоҳида миннатдорлик билдириб, бу тўғрисида Иттифоқнинг барча газети ва журналларида мақолалар эълон қилди.

Агар тарихий рақамларга эътибор қаратилса, 1942 йилда ўзбекистонликлар Украинанинг босиб олинган ҳудудларига 10 минг бош қорамол, РСФСР га 22 минг трактор, 3 минг комбайн, 7 минг дона турли машина ва техникка моторлари етказиб берди. Уруш йилларида республикага вақтинча кўчирилган санаот корхоналарида фронт ва озод қилинган ҳудудлар мудофаа қўбилиятини кўтариш учун 2 100 та самолёт, 17 342 та авиомотор, 2 318 дона авиабомба, 12 100 та миномёт, 22 миллион дона мина, 560 минг дона снаряд, 1 миллион дона граната, 2 200 та қўчма ошқоналар тайёрлангани ва етказиб берилганининг ўзбек фронт ортида қўрсатилган мислсиз жасоратидир.

Уруш йилларида республикамизда 280 та янги корхона ишга туширилди, уларнинг аксарияти бир ойда, узоғи билан 45 кунда маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган эди. Натижада 1945 йилга келиб, уруш арафасида санаот ишлаб чиқариши республикамиздаги ишлаб тан деярли икки баробар ортиди, нефть

қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4, кўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар кўпайган.

Республика қишлоқ ҳўжалиги ходимлари ҳам уруш йилларида ҳақиқий жасорат намуналарини қўрсатди. Бу борада 1942 йил бўлиб ўтган Иттифоқ Мудофаа қўмитаси пленуми Ўзбекистондан РСФСР, Украина, Белоруссия республикаларига қазиб-овқат хом ашёси маҳсулотларининг катта қисмини юбориш бўйича чора-тадбирлар белгилайди. Ана шундай оғир шароитда республикамиз меҳнаткашлари Курск ва Воронеж вилоятларига 12 вагон қуруқ мева, 2 вагон дон, 3 вагон қўрпа-тўшак, 5 вагон санаот маҳсулотлари, 31 вагон турли маҳсулотлар, 118 минг дона кийим-кечак, 3 352 жуфт оёқ кийим, 3 703 дона мўйна, 4 минг дона иссиқ кийим, 7 313 та қўрпа-тўшак, 136 дона қаравот етказиб бера олди.

Дахшатли уруш чоғларида нафақат ишлаб чиқариш, шу билан бир қаторда, таълим, фан соҳаси фаолияти ҳам бутунлай тўхтаб қолмаслиги учун курашилди. 1942 йилда душман яқинлашиб келаётган ҳудудлардан 31 та таълим муассасаси Ўзбекистонга кўчирилди. Жумладан, Невский санаот институти, Одесса фармацевтика институти, Одесса фрезлаш санаоти ва лифт иқтисодиёти муҳандислари институти илмий ходимлари республикада фаолият олиб борди. Хусусан, Украинадан кўчирилган Харьков кимё-технология институти вақтинча Чирчиқ шахрига жойлаштирилиб, ушбу илмий муассасада қатор маҳаллий ва европалик олимлар, мутахассислар иш олиб борган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамизда ўттиздан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида, шунингдек, Туркiston ҳарбий округи қисмлари ва госпиталларда ҳам ўқувчилар билан жангчиларни руҳлантириш, уларни фашизм устидан ғалабага ундади. Айниқса, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Муқаррам Тургунбоева, Сора Эшонтураева, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурхоннов каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринклик бахшишга этган. А. Абдуллаев, А. Аҳмаров, У. Тансиқбоев каби раҳбарлар уруш лавҳалари, халқимизнинг фидокорона меҳнати акс этган асарларни яраттидан чарчамади.

Мустақиллик йилларида урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсадида "Хотира" китоблари ташкил этилди, пойтахтимиз марказида Хотира майдони, вилоят ва туманлар марказларида ёдгорлик мажмуалари барпо этилди.

2020 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Президентимиз ташаббуси билан пойтахт Тошкент шаҳрининг Олмасор туманида Икинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб "Ғалаба боғи" мажмуаси, "Шон-шараф" музейи, "Матонат мадҳияси", "Мангу жасорат" монументлари очилди.

Шу пайтгача халқимизнинг қўрсатган жасоратини бор қўла билан очиб берадиган яхлит мажмуа ҳали республикамизда йўқ эди. Давлатимиз илмий-ижодий жамоатчилигининг тақлифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тез орада алоҳида бадиий-мъерий концепция ишлаб чиқилди. Ушбу концепция асосида ғалаба шарафига улғувор ва бетакрор мажмуа бунёд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Икинчи жаҳон урушида ватандошларимиз қўрсатган мардлик ва жасорат, фронт ортида қўрсатилган матонатли меҳнат ғалаба қозонишда катта аҳамият касб этди. Ўзбекистон ўзининг инсонпарвар ўлка, тинчликсевар халқ эканлигини бутун дунёга яна бир бор намойён этди. Ишонимизки, бундай жасорат ва мислсиз қаҳрамонлиқни чуқур англаган ёшлар тинчлик, фаровонлик учун меҳнат қилиб, миллат ва халқ манфаатини доим ҳимоя қила олади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



ЖАСОРАТ МАЙДОНИДА ТОБЛАНГАНЛАР

ЭЪЗОЗУ ЭХТИРОМДАН УМРИМГА УМР ҚЎШИЛМОҚДА

Инсоният ўзининг узоқ даврлик тарихи мобайнида ўн тўрт мингдан ортиқроқ урушни бошдан кечирди. Бу қирғинбаротлар қанчадан-қанча давлатларни ҳалокат гирдобига тортди, миллионлаб одамлар қурбон бўлди. Айниқса, дунёни ларзага солган Иккинчи жаҳон уруши бемисл даҳшати билан қонли из қолдирди.

Бу йил инсоният фашизм усти-дан қозонилган ғалабанинг 76 йиллигини нишонламоқда. Уруш тугаганига ярим асрдан кўп вақт ўтган бўлса-да, унинг кишилар қалбига солган жароҳати, жабру ситамлари ҳали-ҳануз унутилгани йўқ. Бу кунларга бевосита гувоҳ бўлган инсонлар уша даҳшатларни ҳамон алам ва изтироб билан эслайди. Аччиқ хотираларни эшитиб, кўз олди-мизда ота-боболаримиз бошидан кечирган азоб-қубатлар гавдаланаверади.

ОКА ДАРЭСИ БЎЙИДАГИ ЖОНБОЗЛИК

“Ўнг қўлим Ока ва Зуша дарёлари оралигида қолган”, деб эслади отам. 1936-1941 йилларда Самарқандда ўша пайтдаги Ўзбек давлат университетининг тарих факультетини битирган бухоролик Ориф Собиров 1941 йил август ойида армияга чақирилди. 1942 йил январь ойида Олмаота шаҳридаги пиледа аскарлар билим юртида тайёргарликдан ўтган, Қўқон ва Фарғона ўқиш завоидида командир бўлиб хизмат қилди. 1943 йил январь ойидан шимоли-ғарбий фронтнинг 380-дивизияси сафида немис боққинчиларига қарши жангларда иштирок этди, ўқчилар звонди командири сифатида жонбозлик кўрсатди.

1943 йилда отам Орёл виллоятининг Наумовка қишлоғида қаттиқ ярадор бўлиб, ўнг қўлидан ажралди. Иваново шаҳридаги дала госпиталида даволаниб қайтган, Москвада олий партия мактабида тахсил олди. Урушда ортилган жароҳати билан кейинги йилларда Бухоро давлат педагогика институтини катта ўқитувчи, сиёсий-иқтисод кафедраси мудирини лавозимларида фаолият юритди.

ФИДОЙИ АЁЛ

Оловли уруш йилларида Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса — фронт учун”, “Ҳамма нарса — Ғалаба учун!” деган ҳаётий шior билан яшади. Юртимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базисига айланди. Ўзбекистон армияга катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўп миллатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт худудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, гоёт қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-миглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб, шифо топди.

Уруш уюмига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз уларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги

нонини ҳам баҳам қўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоян этди. Аксарият эркаклар урушга кетган бир вақтда барча соҳалардаги ишларга, асосан, хотин-қизлар жалб қилинди. Уйда ўз фарзанди қатори бошқа миллат болаларини ҳам парваришлаб, таълим-тарбия бериш баробарида, уруш ўчоғидаги турмуш ўртоғи ёки фарзандларига озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш мақсадида турли соҳаларда тинимсиз меҳнат қилган ўзбек аёллари ўша вақтда чинакам жасорат кўрсатди. Уруш ортида ва урушдан

ўз имкониятларини намоян эта олди. У 1950 йилда собиқ СССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Уша йили октябрь ойида Стокгольм муножаати бағишлаб Москвада ўтказилган шаҳар хотин-қизлар конгрессида Ўзбекистон ёшлари делегати сифатида қатнашди. Робия Маждованинг фидокорона меҳнатлари ҳақида виллоят, республика ва Москвадаги “Красная звезда” газеталарида ҳам мақолалар чоп этила бошланди. Онам 1953-1956 йилларда Тошкентдаги олий партия мактабида тахсил олди. Фаолиятининг сўнгги йилларида Бухоро ижтимоий таъминот бўлими, аёллар меҳрибонлик уйида раҳбар лавозимида ишлади. Меҳнатлари эвазига халқнинг меҳрини, ишончини қозонди. Уруш йилларида қалби кемтик опа-сингиллар дардида малҳам бўлиб, уларни кўнлаб-қувватлади. Оналар дуосини олди.



сўнгги тикланиш йилларида ана шундай юксак матонат кўрсатган хотин-қизлар орасида онам Робия Маждова ҳам бор эди. Илмли ва ғайратли ёшлардан бўлган Робия Маждова Иккинчи жаҳон уруши йилларида қишлоқ шўроси ишларида фаол қатнашиб, ташвиқот ва тарбиёт олиб борди. Фронтга совға-саломлар жўнатиш, “қора хат” келган оилаларга руҳий далада бўлиш каби ишларда бор куч-ғайратини сафарбар этди. Уруш йиллари аёллар зиммасига катта вазифалар юкланиб, раҳбарлик ишлари топширилган бир вақтда шижоатли қиз Робия Маждова ҳам 1948 йилда колхозга раиса этиб тайинланди.

1950 йиллар кичик жамоа хўжалиқлари бирлаштирилиб, йирик хўжалиқлар ташкил этила бошланди. Шундай катта жамоа хўжалиғига раҳбарлик қилиш, қишлоқ хўжалигини тиклаш эндигина 22 ёшга тулган қиз зиммасига юкланган эди. Робия Маждова бу вазифани аъло даражада утқаллади. Хўжалиқни пахтачилик, чорвачилик, паррандчилик, қорақўлчилик соҳаларида анча олдинги сафларга олиб чиқди.

Робия Маждова ёш бўлишига қарамай, масъулиятли вазифаларда

Робия Маждова 1946 йилда “Улуғ Ватан урушидаги меҳнатлари учун” ордени, 1950 йилда “Намунали меҳнати учун” медали, 1970 йилда “Ўзбекистон ССР Социал таъминот аълочилиги” кўркрак нишони, 1982 йилда “Меҳнат ветерани”, 1994 йилда “Шухрат”, 1995 йилда “Ғалабанинг 50 йиллиги” медаллари билан тақдирланди. Онамнинг кўксини безаган унвонлар суронли уруш йилларидан хотира, захмат ва фидокорлик намунаси бўлиб қолди.

Бугун юртимизда ана шундай асл фарзандлар хотирасини ёд этар эканмиз, уларнинг чеккан машаққатлари эвазига эришилган тинчлик учун қалбдан миннатдор бўламиз. Ота-боболаримизнинг уруш йилларида ўтган оғир ва ибратли ҳаёт йўллари бизга ва биздан кейинги авлодларга юксак намунадир. Ҳаётнинг захматли синовларига кўкрак тутиб, юрти учун ениб яшаган бундай инсонлар хотираси қалбларда ҳаммиша абадий қолгай.

Дилдора СОБИРОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университети катта ўқитувчиси

Шарифбой НУРИДДИНОВ, Наманган шаҳридаги “Ҳақиқат” маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Урушнинг номи ўчсин. Қўзимни юмсам, жанг манзаралари хаёлимга келаверади. Э, у қирғинбаротни душманга ҳам раво кўрмайман. Ёшим 96 да, 1942 йили 18 ёшга тўлиб-тўлмай урушга кетдим, ўқчи-миноётчи сифатида жангларда қатнашдим. 1943 йили душман минаси портлаши оқибатида оёғим жароҳатланди, саккиз жойимга ўқ теғди. Тупроқ остидан чиқиб, оғир аҳволда базўр судралиб бораётганимда, бир кампир мени уйига олиб кетиб парваришлади. Сўнг узоқ вақт госпиталда доволандим.

Оёққа турганимдан сўнг Наманган шаҳрига қайтиб, устачилик қилдим, катта боғ яратдим. Қурилиш ва қишлоқ хўжалиғи тармоқларидан кўп йиллар ишладим. Урушдан кейинги даврлар ҳам оғир кечди. Уша машум кунларни эсласам, бугунги тинч, дориламон кунларнинг қадрига етиш зарурлигини атрофдагиларга айтишдан



чарчамайман. Урушни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, болаларим. Аллоҳга шукр, матонату қахрамонликларимизни, меҳнатларимизни юртимиз, халқимиз муносиб қадрлапти. Уруш фахрийси сифатида доимо йўқлашади, саломатлигимдан хабар олиб, ёрдам беришади. 2017 йили Президентимиз берган имтиёз туйғайли муборак Ҳаж амалларини бажариш насиб этди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида кўра, ҳар йили бизга юксак эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Кўни кеча виллоятимиз ҳокими уйимизга келиб, 12 миллион сўм пул мукофоти, озиқ-овқат маҳсулотлари ва эсдалик совғаларни топширди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг самийий табригини ўқиб эшиттирганида, кўнглим тоғдек ўсди. Шундай кунларга етказганига шукрлар бўлсин. Мана, ёшим юзга яқинлашди, тўққиз фарзанд, 70 дан зиёд набира, эвараю чеваралар даврасида давру даврон сурмоқдам. Аллоҳида эъзоз ва меҳр-эътибор эса умримга-умр қўшмоқда.

ҲАЛИ УЗОҚ ЯШАЙСИЗ, БОБО!

Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонилганига 76 йил тўлди. Уруш не-не одамларнинг ёстигини қуритди: кимдир отасидан, кимдир боласидан, бошқа биров жигаридан айрилди. Тирик қайтганлар ҳам ненидир бой бериб келди — ҳеч йўқса, ёшлигини.

Бўка туманида яшовчи 97 ёшли Хўжақул бобо Мадаминов хонадонни ҳар байрамда совға-саломга тўлади. Эътибордан руҳланган бобо янада яшаради. Бу йил ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президент табриғи, 12 миллион сўм пул мукофоти, эсдалик совғалар уруш қатнашчиси — Хўжақул бобого топширилди.

...Қишлоқда кун кўриш тобора оғирлашиб, ҳали у, ҳали бу ховлида мотам бўлиб турган кунлар. Почтачининг халтаси яхши мўжаддан кўра, шумхабарга тўла. Бу орада икки ўғлини жангга кузатиб, Хўжақулга суяниб қолган онавор эса ўзини анча олдириб қўйган. —1924 йил 13 февралда Сирдарёда туғилдим, — деб ҳикоясини бошлайди Хўжақул бобо. Бу тарихни неварачеваралари кўп эшитган бўлса ҳам бобонинг оғизга термилмади. — Оилада беш ўғил, бир қиз эдик. Эсимизни колхозда танидик. У пайтлар кун кўриш оғир, бир бурда нон топиш учун сахардан қош қорайғунча даладан бери келмасдик. Шу тарихқа кунлар ўтди. Ҳамма урушга кетар, қишлоқда йигитлар сони камайиб борарди. Бундай паллаларда ўзини четга олиш йигит киши учун ор, номус. Менга эса, ҳа деганда, “повестка” келавермади. Ҳарбий комиссариатга борсам, қайтаришди. Шу орада қишлоғимизга ана 10 та чақирув келди. Бир кўни ҳеч кимга сездирмай, поездга чиқдим урушга чақирилганлар билан фронтга кетдим.

Бугун замон ўзгарди, раҳбарлар ҳам, оддий одамлар ҳам бошқа. У пайтлар олдингиздан раис чиқиб қолса, қочинга жой топпмай қолардингиз. Ҳозир Президентимизнинг ўзи уйма-уй юриб, одамлардан “Нима дардинг бор?” деб сўраб юрибди. Бунақа даврни энди кўрдик. Баъзан телевизорда одамларнинг давлатимиз раҳбарига бемалол гапирётганини кўриб, хурсанд бўламиз. Хўжақул бобонинг икки акаси ҳам урушдан қайтди: бирининг бир ениг ҳавода ҳил-пираб, бири оғир дардга чалиниб. Иккиси ҳам кўп яшамади. Хўжақул эса 1942 йилнинг бошларида Украина худудида жангга кирди. Ойларни қувиб йил ўтар, урушнинг оғзи тобора кенгайар, лекин охиридан дарак йўқ эди.



1944 йилнинг сўнгги кунларида Хўжақул Мадаминов полки фашистлар ҳужумига учради. Уруш қўриб, суғи қотган йигитлар оқоп қазишга улгурди. Бироқ қулоқни коматга келтирувчи овоз ва совуқ қурол парчалари тумандек сочилган ҳавода Хўжақул оёғида оғрик сезди — яраланган эди. Жанг майдонидан шифокор судраб-судраб олиб чиқди. Госпиталга ётқизишди, аҳволи унганмагач, Астраханга юборишди. Шундан сўнг қўлтигаёққа суяниб юртга қайтди. — Сирдарё вокзалига кечаси келиб тушдим, — дея эслайди бобо. — Атроф зим-зим. Тонг отгач, бозорга бордим. Одам кам, асосан, хотин-халаж. Жун сотиб ўтирган аёлни таниб, енига бордим.

Салом бердим. Совуқ гаплашди. Қўшни аёлнинг ўзини бундай тугишдан хафа бўлиб, “Мен урушдан қайтдим, янга” дедим. Юзимга бирпас тикилиб турди-да, йиллаб юборди. Чўнки мендан на хат, на хабар бўлавермагач, ҳамма, ўлган деб гумон қилган экан. Ахир уруш забтига олиб, қишлоққа фақат қора хат келавергач, бошқача бўлмайди ҳам.

Озиб-тўзиб кетган Хўжақулни қишлоқда ҳам биров таниди, биров танимади. Боиси, уруш даҳшатлари унинг ташқи кўринишига ҳам таъсир қилган эди. Ўғли урушга кетгач, ўзини батамом олдириб, тўшакка миҳланиб қолган онаворнинг аҳволи аста-секин унғлана бошлади. Хўжақул яна колхозга ишга кирди. Кейин Сирдарёдан Тошкент виллоятга келиб, арпа экди. Уйланди, бола-чақали бўлди.

Бугун 6 фарзанд ва 130 га яқин набираро чеваралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда.

Бобо ҳали тетик. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар эпкинидан хурсанд. Утган ҳаёти билан бугунги таққослайди. Невараю чевараларига бу кунларнинг қадрига етиш кераклигини ўқтиради. — Утган йили туманда уруш қатнашчиларидан тўрт киши эдик, бу йил бир ўзим қолибман, — дейди маъюз тортганча Хўжақул бобо. — Аллоҳ умр берган экан, яшаймиз. Қўлимдан келгани дуо. Шундай дориламон замонда утаётган ҳар кўни — байрам.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари Хўжақул Мадаминовга йўллаган мактубида шундай сўзлар бор: “Сиздек қахрамон юрдошларимиз билан барчаси ҳақли равишда фахрланамиз. Сизларни хонадонларимизнинг файзи ва кўрки, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги сифатида доимо ардоқлаб, эъзозлаб яшашни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз ва бу йўлда бундан бунён ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз”. Биз Хўжақул бобонинг хонадонидан чиқар эканмиз, бугун урушдан ёлғиз ёдгор сифатида қолган Бўканинг ўғлини ҳикояларини жон қулоғи билан тинглаётган болалар ҳам жўр бўлади: “Ҳали узоқ яшайсиз, бобо!”

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

ХОРИЖДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ

Тадбиркор Дилором ИЗАМОВА: “ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ БРЕНДИНИ ЯРАТМОҚДА”

Марғилон аҳли азалдан мохир хунармандларию уста боғбонлари, хушбоз хофизлари билан бирга, тадбиркорлиги орқали ҳам ном чиқарган. Президентимиз бу шаҳарга ташрифи чоғида бежиз мана бу сўзларни таъкидламаган: “Менинг энг катта ислохотим — хар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш. Сизларнинг кўзингиздаги ишончни, умидни кўриб бахтиёр инсонман. Аёлларни қанча рози қилсак, Яратган бизга куч-қудрат, юртимизга тинчлик-осойишталик беради. Бутун дунё пандемия оқибатида катта қийинчиликка учраётди. Ҳеч ким ишонмагани, шу шароитда мана шундай корхоналар ишга тушира оламиз деб. Бу — Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади”.



Бу мўъжаз шаҳарда аънавий хунармандчилик турларидан бири бўлган ипакчилик ҳам давом эттирилган. Шуниси эътиборлики, ипакчиликни ривожлантиришда унинг сифатини яхшилаш билан бир қаторда, маҳаллий аъналардан ҳам кенг фойдаланилган. Марғилон ипак матолари қадимдан кўплаг Европа ва Шарқ мамлакатларига олиб кетилган.

XX аср бошларида Марғилонда юзлаб атлас тўқувчи қосиблар фаолият юритган. Сотиб, сотиб олиш, айирбошлашда энг бозори чаққон буюм мато саналган. Ипчи газламалари аёллар, шойи ва нимшойи газламалари эса, асосан, эркеклар тўқган. Деярли хар бир оилада бўз ва олача тўқувчи дастгоҳлар мавжуд бўлган.

ГУЛ ЧИЗАЁТГАН ГУЛГУН ҚИЗЛАР

Тадбиркор Дилором Изамова Тошкент шаҳрида туғилган. Болалигидан миллий қадриятларимиз ва аъналаримизга ўзгача меҳр кўйди. Матоларнинг сифати ва каштачилик санъати акс этган маҳсулотларни жуда яхши ажрата олар эди. Ота-онаси унинг укувлари ва чевар қиз бўлишига умид боғлар, у тиккан нақш кашталарни авайлаб сандиққа сақлаб қўйишарди.

Хозирги кунда қаҳрамонимиз оиласи билан Бельгияда яшайди. Бироқ фикри-қирри миллий маҳсулотларимизни бутун дунёга тарғиб этишда. Шунингдек, фарзандлари ҳам бу ноёб мероснинг қадрини билишсини, келгусида онаси бошлаган эзгу ишларни давом эттиришларини истайди. Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги элчихонаси ташаббуси билан “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида Бельгия давлатидаги ўзбек хунармандчилик маҳсулотлари савдо дўкони асосини Дилором Изамова жорий йилнинг апрель ойида фарғоналик уста-хунармандлар фаолияти билан танишди. Тадбиркор биз билан суҳбатда шундай деди:

— 2020 йилда ишга туширилган ва бир вақтинчи ўзида 600 одам ишлаётган Марғилон хунармандлар марказига кириб борганимизда, бизни сенатор, марказ раҳбари Иброҳимжон Султонов

кутиб олди. Бу марказда 100 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган экан. Сухбатимиз сўнггида корхона билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга келишиб олдик.

Сўнгра “Silk Vats” корхонасида бўлдик. Ушбу корхонанинг маҳсулотлари шу кунгача Бельгияда ҳам катта қизиқиш билан харид қилинади. Янги маҳсулотлар билан танишар эканман, ипак матосидан Европа андозаларига мослаб тикилган ётоқ чойшаблари эътиборимни ўзига жалб қилди. Айнан шу маҳсулот бўйича шартнома имзоланди. Мазкур корхона пиллани ҳам ўзи етиштиради. Маҳсулот тайёр ҳолга келгунча кечадиган ишлаб чиқариш жараёнини ҳам бевоқифа қараб олади. Замонавий дастгоҳларда 100 фоиз ипак матолардан тайёрланаётган маҳсулотларни кўриб, кўзим қувнади.

Дилором Изамова “Марғилон хунармандчилиги ривожлантириш маркази” ҳамда Анваржон Иброҳим хондонидан бўлиб, кўлда адрас ва атлас тайёрлаш бўйича кўпгина жараёнлардан, янги технологиялардан бохабар бўлди.

— Хунармандлар хонадонига кириб борганимизда, дастгоҳларда астойдил ишлаётган ийигит-қизларнинг шижоатини кўриб завқим келди, — дейди қаҳрамонимиз. — Х асрда яшаган тарихчилардан бири “Марғилоннинг бир қўйлаки шойиси Исфохоннинг бир йиллик даромадига тенг”, дея бежиз ёзмаган. Матоларга гул босаётган қизлар билан суҳбатлашиб, айни пайтда уларга яратилган имкониятлар билан қизиқдим. Улар сўнги йилларда миллий хунармандчилигимизни ривожлантиришга катта эътибор қаратилганини жўшиб таъкидлади. “Хунарманд” уюшмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар меҳнат бозорига талаб юқори бўлган хунар турларига жалб этиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб келаётгани ҳақида мамнуният билан айтиб ўтди. Шунингдек, уюшма томонидан Марғилон шаҳар ҳокимлиги кўмағида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” рўйхати киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида, уста хунармандлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилаётган экан.

Дилором Изамова қадим хунармандчилигимиз маҳсулотларини кўздан кечирар экан, ёшлар томонидан

яратилаётган маҳсулотлар асосидаги янги лойиҳалар ҳаёлидан ўта бошлади. Ҳа, интилуван ва шижоатли ёшларга кенг йўллар очилаётган хозирги даврда кўхна Марғилон ўз мўъжизалари, ноёб маҳсулотлари билан бемалол ҳаётон савдо майдонига ўз ўрнини топа олади.

МОМОЛАРДАН МЕРОС НАҚШИН ПАЛАКЛАР

Наманган вилояти каштачилик бобида ўз мактабига эга бўлган маскан. Халқ амалий-безак санъати, миллий қадриятларимизга эътибор, рағбат ошirilган замонамизда у янада раванқ топаётгани кувонарлидир. Айниқса, уста хунарманд Ҳакимжон Тожимов ва кўпгина каштачи Рислиқхон Жўраеванинг маҳсулотларига ҳаридорлар алоҳида қизиқиш билан қаради.



— 2019 йил сентябрь ойида Бельгияда ўзбек хунармандлари ажойиб кўргазмани намойиш қилди, — дейди Дилором опа. — Ушбу кўргазмани катта иштиёқ билан кузатаётган чоғимда, Ҳакимжон Тожимовнинг ўғли Абдулбоситни учратиб қолдим. Унинг маҳсулотларини кузатар эканман, ҳамкорликда иш олиб боришимиз зарурлигини англаб етдим. Мен Ҳакимжон ва Абдулбосит Тожимовларнинг маҳсулотлари учун электрон тижорат дўконига сармоа киритдим. Шундан сўнг менинг брендинг турли хил маҳсулотлар: ипак кашта ёсдиқлар, ипак адрасдан тикилган аёллар

чопонлари, ипак адрас-атлас ва барқаро микрофибердан тайёрланган сумкалар билан бойиди.

Наманган каштачилигининг яна бир жиҳати шундаки, аёлларнинг бандлигини таъминлашдек ижтимоий аҳамият касб этган. Шу боис, ушбу санъатнинг сирини синоати бувида назирага, қайнонадан келинга ўтиб келган.

— Шунингдек, каштачилик шунчаки ўқув ва маҳорат эмас, сабру қаноат мактаби ҳамдир, — дейди каштачи Рислиқхон Жўраева. — Чунки каштадўз мана шу кўз ўнгида жилоланиб турган санъат асарини яратиш учун бир квадрат сантиметрдаги юзага 50 дан 100 мартагача игна санчади. Қўл ишининг машаққати ҳам, ноёблиги ҳам шунда...

Дарҳақиқат, каштачилик маълум бир худуднинг сайёҳлик жозибадорлигини

таъминловчи омилардан биридир. Юртимизга АҚШ, Хитой, Корея, Япония каби давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар бежиз каштачилик намуналаридан ҳайратланмайдилар. Ҳа, биргина кашта намунасида тарихимизнинг бир неча асрлик тараққиёт йўллари акс этиши мумкин...

Дилором Изамова 2020 йилда “Хунарманд” уюшмасининг Наманган вилояти бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги элчихонаси ердимида 4500 АҚШ долларидан зиёд хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишга эришди.

“ҚЎЛ ИШИ”ГА ХАРИДОРЛАР ҲАМИША КЎП

— Жаҳон бозорига ҳаммиша табиий маҳсулотларга, айниқса, хунармандчилик намуналарига талаб катта бўлган, — дейди қаҳрамонимиз. — Бельгияда ўзбек хунармандчилик маҳсулотлари фақатгина йилда бир марта ташкил этиладиган кўргазмаларда намойиш этилар ва бу маҳсулотларни бориб кўришга, сотиб олишга ҳамма бельгияликларнинг ҳам имкони йўқ эди. Айни пайтда мен электрон савдо дўконимиздаги маҳсулотларни реклама қилиш жараёнига катта эътибор қаратаман.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда хунармандчилик жуда кенг ривожланган. Европада эса, асосан, ижодкорлар, расомлар кўлда ишланган габелен гиламлари ва кийимлар дизайни бўйича шуғулланади. Шу сабабли, улар фақат Европа бозорлари учун ишлади. Хунармандларни деярли учратмайсан. Шу боис, ёшларда хунармандчилик билан шуғулланиш истаги йўқ. Жуда кам ёшларгина кийим дизайнерлигига қизиқадилар.

Бельгияликлар дантел, яъни кўлда ишланган тўқима безаклари ва шоколади билан машхур, — дейди Дилором опа. — Келгусида Бельгия шоколадларини Ўзбекистон дўконларида ҳам харид қилишнинг мумкин бўлади. Бу борада бизнинг махсус бизнес лойиҳамиз бор.

КУЛЛОЛАР ҚЎЛИДА ПИШГАН ҲИҚМАТЛАР

Қаҳрамонимиз узок йиллар давомида Бельгиядаги компанияларнинг бирини инженер бўлиб ишлаган. У логистика ва технологиялар орқали аҳолига турли хил хизматлар кўрсатувчи хусусий компаниясини ҳам ташкил этган. Ана шу жараёнда ўзбек хунармандчилиги маҳсулотларини савдо қилувчи дўкон ташкил қилиш ва у орқали харидорларга маҳсулотни етказиб бериш ҳақида режалар туза бошлаган. Бу икки хизматни бириштириб, янги бизнес яратиб олишга қатъий ишонган.

— Кейинги 4 йилда Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди. Айниқса, ҳукуматимизнинг миллий маданий меросимизни ўрганиш ва сақлаш борасида олиб бораётган ишлари салмоқли бўляпти. Бу эса хунармандлар учун катта имкониятлар эшигини очибди. Шу боис, ўзбек хунармандлари билан ҳамкорликда амалга оширишни режалаштирган лойиҳаларимиз ижобий ечим топди. Дастлаб иш бошлаган кезларимизда сифат барқарорлиги билан боғлиқ баъзи қийинчиликларга дуч келар эдик. Бора-бора сифатли маҳсулот яратиш ва бизнес қоидаларига риоя қилиш борасида ўзбек хунармандлари илгарилар кетди. Бу ютуқларнинг замирида Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг миллий қадриятларимиз ва аъналаримизга эътибори, тадбиркор ва хунармандларимизга бўлган ишончи, кўмаги муҳим ўрин тутди.

Дилором Изамова ўзбек хунармандлари билан мулоқотларини Риштон халқаро куллолар марказидан бошлади. Дунёга машхур уста куллолар: Алишер Назиров, Шарофиддин Юсуфов, Музаффар Саидов билан суҳбатлашиб, улар яратган маҳсулотлар, ноёб куллолик намуналари Бельгияда жуда катта эътирофларга сазовор бўлишини ичидан хис қилиб, “Куллолар қўлида пишган ҳиқматлар”, дея шивирлади ўз завқини, ҳайратини яшира олмай...

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ГУРУРЛАНАМАН

— Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 апрель кунини ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтинини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилишини диққат билан кузатдим, — дейди Дилором опа. — Давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзлари мени тўқилантириб юборди: “Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захиримиз бу — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир”.

Дарҳақиқат, ушбу видеоселекторда мутасаддиларга ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу тизимда халққа ҳам, ташкилотларга ҳам маъқул бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланди. Жумладан, 1 майдан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган корхона ва компанияларга ушбу ходимлар учун туланган ижтимоий солиқ қайтариб берилди. Шунингдек, 1 июндан бошлаб, “Ёшлар дафтари”га кирган талабалар корхона ва компанияларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилади. Биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари эса 6 ойгача даромад солиғидан озод этилади...

Суҳбатимиз сўнггида қаҳрамонимиз ишонч ва гурур билан таъкидлаган мана бу сўзларни келтириб ўтмоқчимиз:

— Имконият бу — ишонч дегани. Ёш тадбиркорларга белгиланаётган имтиёзлар ва юксак ишонч хар бир юрагидан ўтиб борадими бизнинг янги-янги марралар сари руҳлантираётгани аниқ. Мен миллий меросини эъзозлайдиган, ташаббускор ийигит-қизлар билан ҳамкорлик қилаётганимдан ниҳоятда бахтлиман. Шундай юрт фарзанди эканлигимдан гурурланаман. Мен ҳам сиз билан бир сафдаман, Ўзбекистон ёшлари!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ЭНДИ КАМБАҒАЛ ЭМАСМАН

ЁХУД “ТЕМИР ДАФТАР” САҲИФАСИДАН БОШЛАНГАН ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

Роҳатой БОЛТАЕВА

Қарши шаҳридаги “Қамчибек кўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғини

Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Тақдир экан, турмуш ўртоғим вафот этди. Ишлаб деса, болаларимни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ишламай деса, кун кўриш керак. Бу замонада ҳамма ўзи билан овора. Хар кимнинг ўз ташвиши, ўз ҳаёти бор. Яқин қариндошлар ҳам бир ёрдам беради, икки ёрдам беради, охири барибир, малол келади. Албатта, бунини тўғри тушуниш керак. Шундай оғир шароитда кун ўтказаятгандик...



Уйинг тор бўлса, дунёнинг кенглиги биланмас, деганларидек, тўй-ҳашам ҳам, яқинларимнинг хурсандчилиги маҳалладаги гап-сўзлар ҳам кўнглимга сиймаган юрган кунлардан бирида маҳалла фаоллари, ҳокимият вакиллари уйимизга келди. Шароитимизни ўрганиб, дардимни тинглади, сизини “Темир дафтар”га киритамиз деб қолишти. Сўнг, камбағалликдан чиқариш учун ёрдам берамиз, Худо хоҳласа, бу кунларни эслаб юрасиз ҳали, деганида, тўғриси, ишонмадим. Ҳаёлимдан “Темир дафтар”и нима

экан, мен қандай қилиб фарзандларимни бошқалардан кам қилмасдан тарбиялайман”, деган фикр ўтди. Хукумат вакиллари менга шундай деди: “Кўндан беранга куш тўямас, опа. Биз сизга шундай шароит, имконият яратиб берамизки, токи у сизга бир умр хизмат қилсин. Янги ҳаётингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолсин”.

Ишлар бошланиб кетди. Утган йили апрель ойида томорқамизга иссиқхона қуриб берилди. Дарҳол бодринг, помидор, булғор қалампирини эдиким. Ҳосил яхши бўлди, даромади ҳам зўр экан. Оиламизга барака кира бошлади. Бу мени янада илҳомлантирди, ҳаётда яхши яшаш учун умид пайдо бўлди. Янги гоғлар уйлай бошладим. Ана шунда бичиш-тичишни билишим қўл келди. Етти фоизли имтиёзли кредит олиб, учта тикув машинаси харид қилдим. Маҳалламиздаги ўзимга ўхшаган уч нафар хотин-қизини ҳам бу ишга жалб қилиб, хунар ўргатдим. Ҳозир болалар ва аёллар учун кийим-

кечек тикиб, пул топяямиз. Шунинг ҳисобидан уйимни таъмирладим, ёнига янги уй соляпман. Яқинда мени “Темир дафтар”дан чиқаришни сўраб, маҳалламиз раисига ариза бердим. Энди оёққа туриб олдим, рўзгоримни, болаларимни ўзим эплаяман.

Инсон учун энг зарур нарса, бу — фарзандинингизнинг сизга бўлган меҳри, қўздаги қувонч, шодон қулиб юришини кўриш. Фарзанд қачонки ота-онасидан кўнгли тулса, тенгдошларидан кам бўлмаса, уйда хотир-жамлик, фаровонлик ҳукм сурсагина, бахтли бўлади. Ота-она эса фарзандга меҳри ҳаётдан мамнун бўладигани, бера олади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Темир дафтар” ташкил этилмаганида нима бўларди? Биз каби оилаларнинг ҳоли не кечарди?

Бу каби савобли ишларнинг бошида турган Президентимиздан миннатдорман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1522. 79242 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ, офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоши келишилган нарҳда.

KOLORPAK МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳи: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбучтичлар кўчаси, 32-уй

ЎзА жақни — 21:45 Топширилди — 23:15